

соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтсин. Сўнгра ундан кейин хоҳлаган дуосини қилсин", дедилар. Бу ҳадисни Темизий ривоят қилиб, саҳиҳ деган. "Найлул Автор" 2/184.

لَا تَكْفِيَنَّ أَرْسَنَ مَ : لَأَق - مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لَأَق - صِيَّبَنَّ لَأَق - عَرِيْرُهُ يَبْأَنَّ ع- ٦
دَّمَخُمَّ لَعَلَّ صُمُّهَلَلَا : لُقَيْلَفَتِيْبَلَلْهَأْ أَنْ يَلَعَّ لَصَّ إِذِيْفَوَأَلَلْ لَأَيُّ كُمْلَلَاب
كُنَّ إِ مِيْهَأَرْبِ إِ لَعَّ تِيْ لَصَّ أَمَكِهِ وَتِيْبَلَلْهَأْ وَتِيْ رُدَّ وَ نِيْ نَمُّؤْمَلَلَاتِ هُمَأْ وَجَأَوْرَأْ وَ بِيْبَنَّ لَلَا
دِيْجَمُ دِيْ مَح

4. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **"Кимни тўла ўлчов билан ўлчаб берилиш хурсанд қилса, қачон бизнинг аҳли байтга салавот айтса: "Аллооҳумма солли алаа Муҳаммадинин Набий ва азваажиҳи уммуҳаатил мўъминиин ва зуррийятиҳи ва аҳли байтиҳи камаа соллайта алаа Иброҳиим, иннака Ҳамиидум Мажиид", десин**", дедилар". Абу Довуд ривояти. "Найлул Автор" 2/329.

"Аали Муҳаммад" дан мурод Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уммати дир. Луғат имомларидан бўлган Нушвон Ҳумайрий бу борада қуйидаги шеърни айтган:

Оли Набий унга тобеъ миллатидир,

Ажам бўлсин, савдо бўлсин ёки араб,

Оли агар қариндошлар бўлса фақат,

Салот ости кириб қолар Абу Лаҳаб.

Аллоҳ таоло "Ғофир" сурасининг 46-оятда ҳам "Оли Фиръавн" деганда унинг тобеъларини зикр қилган.

33-Матн:

Ўзлари учун, ота-оналари учун, мўъмин ва мўъминалар учун истиғфор айтардилар.

33-Матннинг далиллари:

وَعْدًا عُدِّيْنَ مَلَع ، هَلَلَا لَوْسَرَّ أَي : لَأَق هِنَأْ هِنَأْ لَلَلَّ يَضَرَّ قِيْ دَّصَلَلَا رَكْبِيْ بَأَنَّ وَ- ١
رَفْعِيْ أَلَو ، أَرِيْ ثَكَّ أَمَلَطِيْ سَفَنَ تَمَلَطِيْ نِيْ مُمُّهَلَلَا لَق " : لَأَق ؛ يَتَأَلَّصِيْ فِ رِوَب
" مِيْ حَرَلَا رِوَفَلَا تَنَّا كُنَّ إِ نِيْ مَحْرَاو ، كَدْنَع نَمَّ رَفْعَمَّ يَل رَفْعَاف تَنَّا أَلَّ إِ بُونُذَلَا

1. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: “Менга бир дуо ўргатинг, ўша дуони намозимда қилай”, деди. У зот: **“Аллооҳумма иннии золамту нафсии зулман касирон ва лаа яғфируззунууба иллаа анта, фағфирли мағфиротан мин индика варҳамнии, иннака антал Гофуурур Роҳиим”, дегин”,** дедилар”. Бухорий ривояти 1/115.